

ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРДАН ЖАБРАНГАН ШАХСЛАР БИЛАН ЯККА ТАРТИБДАГИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Усмонов Дониёр Қахрамон ўғли

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси
фаолияти кафедраси катта ўқитувчиси, майор

Баротов Сайёр Абдулло ўғли

Кундузги таълим 3-ўқув курси 326-гуруҳ курсанти
<https://doi.org/10.5281/zenodo.17788953>

Аннотация: Якка тартибдаги профилактика фаолиятини ташкил этишнинг мақсади, Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни аниқлаш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларга тарбиявий таъсир кўрсатишга доир фаолияти, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахслар, ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасининг бошқа турдаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасидан алоҳида хусусиятлари, Ўзига нисбатан ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирлари қўлланилаётган шахслар ва бошқалар ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: вояга етмаган, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси, ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаган, ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оила, назоратсиз, якка тартибдаги профилактика иши, қаровсиз, ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 май кунидаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни қабул қилиниб, ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасининг аниқ тушунчасини ва унинг чора-тадбирларини белгилаб берди.

Жумладан, қонуннинг **28-42 моддалари** айнан ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини қамраб олади ва қонуннинг **28-моддасида** ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасига ҳамда уни қўллаш шартлари ва асослари қуйидагича ёритилган: *“Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни аниқлаш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларга тарбиявий таъсир кўрсатишга доир фаолияти ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасидир”*

Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини қўллашда шахснинг, унинг ижтимоий муҳитининг ўзига хос хусусиятлари, ижтимоий-маиший шароитлари ва турмуш тарзи, шахснинг ғайриижтимоий хулқ-атворини, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллигини, шунингдек содир этилган ҳуқуқбузарликнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини тавсифловчи бошқа омиллари ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини қўллаш учун шахснинг ғайриижтимоий хулқ-атворидан, унинг ҳуқуқбузарлик содир этишга

мойиллигидан ёхуд у ҳуқуқбузарлик содир этганлигидан **далолат берувчи ишончли маълумотларнинг мавжудлиги асос** бўлади.

Ҳуқуқбузарликларнинг **мажбурловчи** ва **чекловчи** хусусиятдаги якка тартибдаги профилактикаси қонунда назарда тутилган асосларда қўлланилади.

Демак якка тартибдаги профилактика – фуқароларни тарбиялаш тизимининг элементларидан бири бўлиб, инсон ғайриижтимоий хулқнинг энг охирги даражасигача етишига, уни ижобий хулқ-атворда бўлишига мажбур этишга, яъни жиноят қонуни билан тақиқланган қилмишларни содир этиш ҳаракатларини чеклаш каби вазифаларда номоён бўлади.

Якка тартибдаги профилактика фаолиятини ташкил этишнинг мақсади, жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган шахсларни аниқлаш, уларни ўрганиш, уларга таъсир этиш, уларнинг хулқ-атворини ижобий томонга ўзгартириш ҳамда уларга салбий таъсир этувчи шарт-шароитларни бартараф этишга йўналтирилган фаолият ҳисобланади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар **ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни** аниқлаш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларга тарбиявий таъсир кўрсатишга доир фаолияти ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини амалга оширади.

Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини қўллаш учун шахснинг ғайриижтимоий хулқ-атворидан, унинг ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллигидан ёхуд у ҳуқуқбузарлик содир этганлигидан далолат берувчи ишончли маълумотлар мавжуд бўлганда ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини қўллаш учун асос бўлади.

Ҳуқуқбузарликларнинг мажбурловчи ва чекловчи хусусиятдаги якка тартибдаги профилактикаси қонунда назарда тутилган асосларда қўлланилади.

Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасининг *объектлари* – **ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахслар** ҳисобланади. Жумладан, ички ишлар органларида профилактик ҳисобда турувчи шахслар, ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган вояга етмаган шахслар, диний экстремизм ва терроризм жиноятларини содир этган шахслар, вояга етмаганларга салбий таъсир кўрсатувчи ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар, спиртли ичимликка ружу қўйган ҳамда гиёҳвандлик ва психотроп моддаларни истеъмол қилувчи шахслар, ижтимоий хавфли тажовузор руҳий касаллар, муқаддам судланган шахслар, ҳуқуқбузарликдан жабрланувчилар, ғайриижтимоий хулқ-атворли шахслар, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган ва бошқалар ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасининг объектлари ҳисобланади.

Якка тартибдаги профилактика фаолиятини ташкил этишнинг мақсади, жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган шахсларни аниқлаш, уларни ўрганиш, таъсир этиш, уларнинг хулқ-атворини ижобий томонга ўзгартириш ҳамда уларга салбий таъсир этувчи шарт-шароитларни бартараф этишга йўналтирилган фаолиятдир.

Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси ҳуқуқбузарликларга мойил бўлган шахсларга йўналтирилиб, бошқа турдаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасидан қуйидаги **алоҳида хусусиятлари** билан фарқланади:

- ҳуқуқбузарликларнинг якка тартидаги профилактикаси алоҳида тоифадаги ҳуқуқбузарликларга мойил шахсларга йўналтирилиши;
- шахсларга нисбатан индивидуал ёндошувни талаб этиши;
- шахсларга нисбатан мажбурловчи ва чекловчи нормаларини қўлланилиши;
- ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибаги профилактикаси йўналтирилаётган шахсларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб профилактик чора-тадбирлар қўлланилишини талаб этилиши;
- бошқа давлат органлари ва кенг жамоатчилик имкониятларидан фойдаланишни талаб этиши.

Ўзбекистон Республикасининг “Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида”ги 2020 йил 27 октябрдаги ЎРҚ-644-сонли қонуни ва “Алкоголь, гиёҳвандлик воситалари таъсиридан ёки ўзгача тарзда мастлик ҳолатида бўлган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 ноябрдаги 644-сон қарори ҳамда “Аҳолига наркологик ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 16 майдаги пҚ-244-сон қарорига асосан профилактика инспектори жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлигини, бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини бузаётган, ёхуд аҳолининг осойишталигига, саломатлигига ва маънавиятига хавф туғдираётган сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка мубтало бўлган беморларга нисбатан мажбурий даволаш қўлланилишини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 16 майдаги ПҚ-244-сон қарори билан шахс мажбурий даволанишдан бош тортган тақдирда ички ишлар органлари ўз ташаббусига кўра наркологик касалликларга чалинган шахсни мажбурий даволашга юбориш чора-тадбирларини амалга ошириш белгиланди.

Шахсни мажбурий даволашга жўнатиш учун тиббий кўрикдан ўтишдан бош тортган ҳолларда профилактика инспектори ўн кун муддат ичида беморни наркология муассасасида мажбурий тарзда текширилишини амалга оширади ва тиббий хулоса олади ҳамда мажбурий даволашга юбориш тўғрисидаги ҳужжатларни расмийлаштиради.

Суднинг шахсни мажбурий даволашга юбориш тўғрисидаги қарори ички ишлар органлари томонидан бу қарор қонуний кучга кирган пайтдан бошлаб кечи билан ўн кунлик муддат ичида ижро этилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги қонуни асосида ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганлар ва оилаларни ўз вақтида аниқлаш, шунингдек уларни ижтимоий-педагогик реабилитация қилиш ҳамда вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишининг олдини олишга якка тартибдаги профилактика ишини ташкил этади ва амалга оширади.

вояга етмаган — ўн саккиз ёшга тўлмаган шахс;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси — вояга етмаганларнинг назоратсизлиги, қаровсизлигига, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир

этилишига имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратилган, якка тартибдаги профилактика иши билан биргаликда амалга ошириладиган ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий ва бошқа чора-тадбирлар тизими;

ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаган — вояга етмаганнинг назоратсизлиги ёки қаровсизлиги оқибатида унинг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавф туғдирадиган ёхуд уни таъминлаш, тарбиялаш ва унга таълим бериш талабларига жавоб бермайдиган шароитда бўлган ёхуд ҳуқуқбузарлик ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этаётган вояга етмаган;

ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оила — ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар вояга етмаганларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаётган ёки лозим даражада бажармаётган ёхуд уларнинг хулқ-атворида салбий таъсир кўрсатаётган ёки улар билан шафқатсиз муомалада бўлаётган оила;

назоратсиз — ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаганни таъминлаш, тарбиялаш ва унга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товланганлик ёки лозим даражада бажармаганлик оқибатида хулқ-атвори назоратсиз қолган вояга етмаган;

якка тартибдаги профилактика иши — ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганлар ва оилаларни ўз вақтида аниқлаш, шунингдек уларни ижтимоий-педагогик реабилитация қилиш ҳамда вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишининг олдини олишга доир фаолият;

қаровсиз — аниқ яшаш жойи бўлмаган назоратсиз қолган вояга етмаган;

ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар — вояга етмаганнинг мунтазам равишда спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишида, фоҳишалик, тиланчилик билан шуғулланишида ифодаланадиган хатти-ҳаракатлари, шунингдек ўзга фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузадиган бошқа хатти-ҳаракатлари.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 апрелдаги “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорати тўғрисида”ги ЎРҚ-532-сон қонуни ҳамда Ички ишлар вазирининг 2019 йил 28 августдаги 255-сон “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат урнатиш ва амалга ошириш борасида иш хужжатлари ва уларни юритиш тартиби тўғрисидаги йуриқномани тасдиқлаш хақида”ги буйруғи асосида ички ишлар органларининг жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назоратни амалга ошириши бир-бири билан бевосита боғлиқ бир қатор профилактик чора-тадбирларни ўз ичига олган бўлиб, уни амалга оширишдан асосий мақсад илгари судланган шахсларнинг тузалиши ва такроран жиноят содир этилишининг олдини олиш мақсад қилиб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуннинг **29-моддасига** биноан ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасининг қуйидаги чора-тадбирлардан иборат:

- профилактика суҳбати ўтказиш
- расмий огоҳлантириш
- ҳуқуқбузарликнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитлар ҳақида хабардор қилиш
- ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш
- профилактик ҳисобга олиш
- мажбурий даволанишга юбориш
- маъмурий назорат чора-тадбирларидан иборат.

Профилактика инспектори якка тартибдаги профилактика объектлари яъни, ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарликлар содир этган шахслар билан уларнинг ижобий хулқ-атворга ва ижобий турмуш-тарзига қайтишига қўмаклашиш юзасидан улар билан якка тартибдаги профилактика чора-тадбирларини амалга оширади.

Профилактика суҳбати – шахсни жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларига риоя этишга ишонтиришдан, ғайриижтимоий хулқ-атворнинг ижтимоий ва ҳуқуқий оқибатларини ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун қонунда белгиланган жавобгарликни тушунтиришдан иборат бўлади. Профилактика суҳбати ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассаса жойлашган ерда, шунингдек шахснинг яшаш, ўқиш, ишлаш жойида ёхуд бевосита ғайриижтимоий хулқ-атвор ёки ҳуқуқбузарлик аниқланган жойда ўтказилади.

Профилактика суҳбати давомида шахснинг ўзига хос хусусиятлари, унинг турмуш тарзи ва ижтимоий-маиший яшаш шароитлари, шунингдек ғайриижтимоий хулқ-атворнинг ёки содир этилган ҳуқуқбузарликнинг сабаблари ва шарт-шароитлари аниқланади.

Расмий огоҳлантириш – шахсга унинг ғайриижтимоий хулқ-атворни давом эттиришига йўл қўйиб бўлмаслиги тўғрисида ёзма равишда тушунтиришдан, шунингдек ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахсни ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарлик ҳақида огоҳлантиришдан иборат бўлади. Расмий огоҳлантириш ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи, ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини амалга оширишга масъул бўлган орган ёки муассасанинг мансабдор шахси томонидан чиқарилади ҳамда шахсга имзо қўйдириб эълон қилинади, у имзо қўйишдан бош тортган тақдирда эса, расмий огоҳлантиришга бу ҳақда ёзиб қўйилади.

Ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитлар тўғрисида хабардор қилиш – ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ёки унда иштирок этувчи орган ва муассаса, ўз ваколатлари доирасида, ғайриижтимоий хулқ-атворли шахслар, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ҳақида иш, ўқиш жойидаги иш берувчини (маъмуриятни), яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органини ғайриижтимоий хулқ-атворнинг ва содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳолатларини, шунингдек уларга имкон бераётган сабаблар ва шарт-шароитларни кўрсатган ҳолда хабардор қилишга ҳақли.

Ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирлари – ҳуқуқбузарликдан жабрланганларга, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган,

хуқуқбузарлик содир этган шахсларга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассаса томонидан қўлланилади.

Шахсни профилактик ҳисобга олиш – “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуннинг 35-моддасида кўрсатилган алоҳида тоифадаги шахсларга нисбатан уларнинг тузалиши ва такроран хуқуқбузарлик содир этишининг олдини олиш мақсадида ички ишлар органлари томонидан амалга ошириладиган профилактика тадбирлари комплекси.

Шахсни мажбурий даволанишга юбориш – сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка чалинган шахс томонидан жамоат тартиби, бошқа шахсларнинг хуқуқлари бузилган ёхуд у аҳолининг хавфсизлиги, соғлиғи ва жамиятнинг ахлоқига таҳдид солган тақдирда ички ишлар органлари “Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида”ги 2020 йил 27 октябрдаги ЎРҚ-644-сонли Ўзбекистон Республикаси қонунига ва бошқа қонунчиликка мувофиқ уни мажбурий даволанишга юбориш бўйича чора-тадбирларни кўради.

Ички ишлар органларининг маъмурий назорати – ички ишлар органларининг жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахслар устидан маъмурий назорати тарбиявий-профилактик таъсир кўрсатиш чора-тадбирлари мажмуидан иборат бўлади ва назорат остидагиларга нисбатан қонунчиликда назарда тутилган чекловларни қўллашдан иборат бўлади.

Маъмурий назоратни ўрнатиш, амалга ошириш ва тугатиш тартиби, шунингдек қўлланиладиган чекловлар рўйхати жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахслар устидан ички ишлар органларининг маъмурий назорати тўғрисидаги қонунчиликда белгиланади.

Профилактика инспектори хуқуқбузарликлар профилактикасининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, якка тартибдаги профилактика объектларига нисбатан хуқуқбузарликлар профилактикаси шакллари қўллади.

Профилактика инспектори якка тартибдаги профилактика объектларига нисбатан уларга таъсир этиш учун хуқуқбузарликлар профилактикасининг ёзма, оғзаки, назорат, аралаш, электрон ва кўргазмали шаклларида фойдаланадилар.

Хуқуқбузарликлар профилактикасининг усуллари келадиган бўлсак профилактика инспекторлари якка тартибдаги профилактика объектларига нисбатан уларга таъсир этиш учун хуқуқбузарликлар профилактикасининг тушунтириш, огоҳлантириш, ишонтириш, рағбатлантириш ва мажбурлаш усулларида ўзининг фаолиятида фойдаланадилар.

Ўзига нисбатан хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирлари қўлланилаётган шахслар:

- ўзига нисбатан қўлланилаётган хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирларининг асослари ва ҳуқуқий оқибатларини билишга
- ўзи хусусида тўпланган ҳужжатлар ва бошқа материаллар билан танишишга
- илтимослар қилишга
- юридик ёрдам олишга

– ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органнинг ёки муассасанинг қарорлари, мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилишга ҳақли.

Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини қўллаш учун шахснинг ғайриижтимоий хулқ-атвори тўғрисида, унинг ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги ёхуд у ҳуқуқбузарлик содир этганлиги ҳақида далолат берувчи ишончли маълумотларнинг мавжудлиги профилактика инспекторига якка тартибдаги профилактика чора-тадбирларини қўллаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Якка тартибдаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси чора-тадбирларидан *шахсни профилактик ҳисобга олиш* – профилактика инспектори ушбу чора-тадбирни шахсга нисбатан қўллаш учун “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуннинг 36-моддасида белгилаб берилган асослар вужудга келган тақдирда қўллай олади. Бу асосларга қуйидагилар киради:

– ваколатли органнинг ёки мансабдор шахснинг ушбу қонун 35-моддасининг олтинчи хатбошисида назарда тутилган маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 40, 41, 45, 47, 52, 56, 58, 61, 106, 131, 165¹, 183, 184², 184³, 187, 188, 188¹, 189, 189¹, 190, 191, 201, 202, 202¹, 240, 241-моддаларидаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарори

– ваколатли органнинг ёки мансабдор шахснинг жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги ёхуд реабилитация қилмайдиган асослар бўйича жиноят ишини қўзғатишни рад этиш тўғрисидаги қарори

– ўзига нисбатан қамоққа олиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чораси танланган айбланувчи сифатида ишда иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги терговчининг ёки прокурорнинг қарори

– суднинг қонуний кучга кирган айблов ҳукми

– шахснинг жазони ижро этиш муассасасидан озод қилинганлиги тўғрисидаги маълумотнома

– болалар масалалари бўйича комиссиянинг қарорлари профилактика инспекторига якка тартибдаги профилактика чора-тадбирини қўллаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Якка тартибдаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси чора-тадбирларидан *ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш* — ҳуқуқбузарликдан жабрланувчи шахслар, ғайриижтимоий хулқ-атворли шахслар, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахслар, ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар тўғрисида ишончли маълумотлар вужудга келганда, ушбу тойфадаги шахсларга нисбатан ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдамлар кўрсатилади. Шунингдек уларга жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини сингдиришга қаратилган чора-тадбирлар ҳам ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбири ҳисобланади.

Якка тартибдаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси чора-тадбирларидан *профилактика суҳбати* – профилактика инспектори томонидан ғайриижтимоий хулқ-атворли шахсларнинг, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахсларнинг, ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар тўғрисида улар ўзининг ғайриижтимоий хулқ-атвори, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги каби ҳаракатларини давом

этираётганлиги тўғрисида маълумотлар аниқланган тақдирда улар билан профилактик суҳбат ўтказиш, уларга жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларига риоя этишига, содир этаётган ғайриижтимоий хулқ-атворнинг ижтимоий ва ҳуқуқий оқибатларини ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун қонунда белгиланган жавобгарликни тушунтиришдан иборат бўлади.

Профилактика инспектори шахсга нисбатан якка тартибдаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси чора-тадбирларидан *расмий огоҳлантириш чора-тадбирини* – шахс ўзининг ғайриижтимоий хулқ-атворини, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги каби ҳаракатларини давом эттирганлиги учун унга нисбатан ўтказилган профилактика суҳбати ижобий натижа бермаган тақдирда шахсга нисбатан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини расмий огоҳлантириш чора-тадбирини қўллаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Профилактика инспектори шахсга нисбатан якка тартибдаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси чора-тадбирларидан *мажбурий даволанишга юбориш чора-тадбирини* қўллаш учун – шахс томонидан сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка чалинганлиги натижасида у томонидан жамоат тартиби, бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари бузилган ёхуд у аҳолининг хавфсизлиги, соғлиғи ва жамиятнинг ахлоқига таҳдид солган ҳолатлари асос бўлиб хизмат қилади.

Ички ишлар органлари профилактика инспекторлари томонидан шахсга нисбатан якка тартибдаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси чора-тадбирларидан *маъмурий назорат* чора-тадбирини қўллаш учун – суд томонидан ўта хавфли рецидивист деб топилган, оғир ёки ўта оғир жиноятлар содир этганлик учун озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган, ҳар қандай қасддан қилинган жиноятлар учун икки ёки ундан ортиқ марта озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига биноан оғир ёки ўта оғир жиноят ҳисобланадиган қилмишларни содир этганлик учун ҳамда бошқа давлат ҳудудида озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ўтаган шахсларнинг *жазони ижро этиш муассасасидан озод қилинганлиги тўғрисидаги маълумотномаси* ва улар томонидан *такрор содир этилган ҳуқуқбузарликлар содир этилганлиги факти* асос бўлиб хизмат қилади.

Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси: Дарслик / Р.А. Хатамов, Т.Б. Маматқулов, А.С. Турсунов ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2023. – 288 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси <https://lex.uz/docs/-6445145>.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2019-йил 2-апрелдаги “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорати тўғрисида”ги ЎРҚ-532-сон қонуни <https://lex.uz/docs/-4494709>.
4. Ўзбекистон Республикасининг 2019-йил 2-сентябрдаги “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ЎРҚ-561-сон қонуни <https://lex.uz/docs/4494709>.
5. Ўзбекистон Республикасининг 2017-йил 11-сентябрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-445-сон қонуни <https://lex.uz/docs/-3336169>.

6. Ўзбекистон Республикасининг 2016-йил 16-сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги ЎРҚ-407-сон қонуни <https://lex.uz/docs/-3027843>.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2014-йил 14-майдаги “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371-сон қонуни <https://lex.uz/docs/-2387357>.
8. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 27 октябрдаги “Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида”ги ЎРҚ-644-сон қонуни. <https://lex.uz/docs/5069150>
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолига наркологик ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2022 йил 16 майдаги ПҚ-244-сон қарори <https://lex.uz/ru/docs/6017645>
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Алкоголь, гиёҳвандлик воситалари таъсиридан ёки ўзгача тарзда мастлик ҳолатида бўлган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 2022 йил 4 ноябрдаги 644-сон қарори <https://lex.uz/ru/docs/6272590>
11. Ўзбекистон Республикасининг 2010-йил 29-сентябрдаги “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-263-сон қонуни <https://lex.uz/docs/-1685726>.
12. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2017-йил 12-июлдаги “Ички ишлар органларининг хуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 151-сон буйруғи.
13. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2017-йил 25-августдаги “Ички ишлар органлари томонидан хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги 191-сон буйруғи.